

Кириб келаятган янги ~ 2009 йил муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Insonga naf keltirish — oliy baxt

Ishonch

Бир сўз билан айтганда, барча мақсад ва режаларимиз халқимизнинг турмуш даражасини юксалтириш, юртимизни гўзал ва фаровон, ҳаётимизни янада файзу баракали этишга хизмат қилади.

Ислом КАРИМОВ

2008-йил 30-декабр,
сешанба
№155-156 (2569)

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi gazetasi

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqqan boshlagan


ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

ТАШТАНАЛАРИ

Кеча «Туркистон» саройида Президент арчаси тантаналари бўлиб ўтди.

Суратларда: тадбирдан лавҳалар.

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎЗА) олган суратлар



Янги йил олди Ингиликлари

Яқинда Амир Темур халқаро жамғармаси раёсатининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда жамғарма раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али жорий йилда бажарилган ишлар тўғрисида маъруза қилди.

Соҳибқирон номини улуғлаб

Шунингдек, йиғилишда сўзга чиққан Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов, тарихчи олим Дилором Юсупова, жамғарма раисининг ўринбосари Аббосхон Назиров соҳибқирон Амир Темурнинг тарихимизда тутган ўрни, бунёдкорликларини тарғиб қилиш билан боғлиқ ишлар ҳақида тўхталишди. Жумладан, «Темур тузуқларининг уч тилдаги (Ўзбекча, русча, инглизча) наشري устида иш давом этаётганлиги, Амир Темур даврини тўлиқ ёритиб берувчи иккита асар ўқувчилар қўлига етиб борганлиги, Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»си рус тилида босилиб чиққанлиги тилга олинди, бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш кераклиги айтилди.

Раёсатда келгуси йил режаси тасдиқланиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

Амир Темур халқаро жамғармаси матбуот хизмати

Шўртан газ-кимё мажмуасида жамоа аъзолари учун уй-жой барпо этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Қорхона бюртмасига биноан Қарши шаҳри ва Нуристон қўرғонидан 40 квартираддан иборат 10 та кўп қаватли уй, 320 та кўтжа, 18 та икки қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Янги уйлар

Янги йилда мажмуа директори, сенатор Алишер Султоновнинг ташаббуси билан вилоят марказининг Муस्ताқиллик шоҳқўчаси ва Жайхун кўчаси қорраҳасида 7 қаватли, 168 та хонадонли турар-жойлар қурилади.

Иморатларнинг 3 метр баландликдаги ертўларидан спорт тўғрақлари ва тренажёр заллари, компьютер ўйинлари ва интернет клублари, уйлар атрофида саййилгоҳ ва йўлакчалар, турли аттракционлар ташкил этилиб, боғ барпо қилинади.

Иzzат ХИҚМАТОВ,
«Ishonch» мухбири

Андижон шаҳрининг Навоий боғи ёнида «Андижон ёрнинг саҳовати» деб номланган ярмарка ташкил этилди.

Арзон ва сифатли

Бу ерда сотилаётган сархил мевалар, полиз маҳсулотлари, гўшт, турли пиширилган анча арзонлиги ҳамда сифатлиги билан харидорни мамнун этмоқда. Унда фермер хўжаликлари ва бошқа савдо ташкилотлари ўз маҳсулотлари билан қатнашаётди. Эндиликда бундай ярмарка ҳар байрамда ташкиллаштирилади.

Абдулхай ЮНУСОВ,
«Ishonch» мухбири

Жиззах шаҳридаги Хамид Олимжон номли истирохат боғида бяхт ва шодлик кўнчилиги таваллудининг 99 йиллигига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Шоирга эҳтиром

Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси вилоят бўлими масъул котиби Т.Мақсуд, адабиётшуно олимлар Д. Соатова ва И.Икромов шоир ҳаёти, ижоди, ўзбек адабиёти хазинасига қўшган салмоқли ҳиссаси ҳақида гапирдилар.

Шоирнинг шеър ва дostonларидан намуналар ўқилди. Шоирга эҳтиром рамзи сифатида шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Ёзувчилар уюмиси вилоят бўлими, кўпмиссонли адабиёт мухлислари номидан Х.Олимжон хайкали пойга гуллар қўйилди.

Абдуманноп АЗИМОВ,
«Ishonch» мухбири

Сурхондарё вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ўтказилган, бошланғич ташкилотларнинг фаоллигини янада оширишга бағишланган «Бошланғич касаба уюшма ташкилоти жанговарлиги учун» танловининг 2008 йилги якуни кўриб чиқилди.

Ғолиблар тақдирланди

Унда агросаноат мажмуи, соғлиқни сақлаш, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмалари вилоят кўмиталари ҳамда Ўзбекистон савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва хусусий тадбиркорлар, Ўзбекистон маданият ходимлари ҳамда қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгашиларининг вилоят вакиллари фаол иштирок этди.

Танлов якунида Музробод туман тиббиёт бирлашмаси бошланғич касаба уюшма кўмитасига 1-ўрин, «Сурхон тола» базаси масъулиятли чекланган жамияти бошланғич касаба уюшма кўмитасига 2-ўрин, «Хайробод пахта» ОАЖ касаба уюшма кўмитасига 3-ўрин насиб этди.

Ғолибларга диплом ва қимматбаҳо совғалар топширилди.
Рустам ДАВЛАТ,
«Ishonch» мухбири

Пленум Мутасил ривожланиб бораётган ижтимоий-иқтисодий муносабатлар касаба уюшмаларининг давлат бошқаруви органлари ҳамда иш берувчилар билан юзага келаятган барча муаммоларни фақат музокара, келишув йўли билан ҳал этишини тақозо этади. Айнан шу мақсадда Тошкент вилояти ҳокимлиги, савдо-саноат палатаси, касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши 2007 — 2008-йилларга мўлжалланган ҳуқуқий келишув қабул қилганди.

Ислохотлар инсон манфаати учун

Унга биноан меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган дастурлар амалга оширилмоқда. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, вилоятдаги 4470 та қорхона ва ташкилотда жамоа шартномаси тузилмай, 85 миңдан зиёд ходимнинг манфаатлари ҳимояланмай қолмоқда. Бундай ҳолат асосан савдо, матбуот кооперацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси тизимидаги ташкилотларда кузатиляпти. Мазкур тармоқдаги юридик шахсларни жамоа шартномалари билан

қамраб олиш ўтган йили 5,9 фоизни ташкил этди, холос. Яна бир долзарб вазифа меҳнаткашларга иш ҳақи ўз вақтида берилишига эришишдир. Афсуски, бу борада енгил, мебел саноати ва коммунал маиший, ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология, автомобил, дарё, электр транспорти ва йўл ҳўжалиги, агросаноат мажмуи тизимида ахвол қоникарли эмас. Урта-чирчиқ туман агросаноат мажмуи, «Резина техника» очик ҳиссадорлик жамияти, Чиноз йўл ҳўжалиги қорхоналарида иш ҳақидан йирик

миқдорда қарздорликка йўл қўйилган. Бундай қорхоналар қарздорликни бартараф этиш учун прокуратура органлари, меҳнат инспекторлари билан ҳамкорликни кучайтиришлари зарур.

Кейинги вақтга келиб касаба уюшмасига аъзоликнинг афзалликларини асослаш ишлари ҳам сустлашган. Металлургия ва машинасозлик, маданият, қурилиш ва қурилиш ашёлари саноати тармоқларида аъзолар сони йилдан йилга камайиб бормоқда. Яна бир муҳим вазифа меҳнатни муҳофаза қилиш масаласидир. Жорий йилнинг ўтган даврида 500 га яқин касаба уюшма ташкилотининг фаолияти ўрганиб чиқилди. Натижда 2500 дан зиёд қонун, қоида ва меъёрлар бузилган ҳолат аниқланди. Мутахассисларнинг аралашуви билан камчиликларнинг 95 фоизи бартараф этилди.

Тошкент вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг бўлиб ўтган навбатдаги пленумида ана шулар ҳақида мулоҳазалар билдирилди. Пленумда қўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Неъмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири

Тадбир Фаровон келажак замини

Истиқлол йилларида меҳрибонлик уйлари ва имконияти чекланган болалар мактаб-интернатлари тарбияланувчиларига яқин шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Кеча Иллий матбуот марказида Халқ таълими вазирлиги уюштирган матбуот анжумани шу масалага бағишланди. Унда вазирлик мутасаддилари иштирок этиб, йиғилганларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди. Тадбирни Халқ таълими вазирининг 1-ўринбосари Р.Ахлиддинов очди.

Бугунги кунда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари мамлакатимизнинг энг нуфузли таълим даргоҳларида ўқишни давом эттирмоқда. Уларга мустақил ҳаётни барқарор бошлаши учун давлат томонидан энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдоридан имтиёзли нафақа берилди. Оилавий болалар уйи, болалар шаҳарчаларининг ташкил этилганлиги уларнинг оила меҳрини ҳис қилишида муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Уларга давлат томонидан турли русумдаги микроавтобус, имтиёзли кредит, турак-жойлар ажратилаётганини таъкидлаш жоиз.

Бундан ташқари, мамлакатимизда 11000 дан ортик имконияти чекланган ва узок вақт даволашига муҳтож болаларга давлатимиз алоҳида ғам-хўрлик кўрсатилмоқда. Бепул ўқув куроллари, дарсликлар, компьютер орқали улар нафақат ўқув стандартларини ўзлаштирмоқда, балки

қўшимча касбга ҳам ўргатиляпти. 89 та махсус мактаб ва мактаб-интернатда 18460 нафар бола умумий ва махсус таълим олмақда. Энг муҳими, улар учун коллежлар ҳам ташкил этилган.

Халқ таълими вазирлигининг Болаларни ижтимоий мослаштириш республика маркази ва «Сен Ёлғиз эмассан» жамғармаси билан олиб борган узвий ҳамкорлиги натижасида ихтисослаштирилган мактаб-интернатларга, улардаги тарбияланувчилар ва ота-оналарга илмий-услубий ва амалий ёрдам қўрастиш имконии тугилди. Бу эса ўсмирларнинг ҳаётда ўз ўрнини топишида катта аҳамиятга эга.

Тадбир сўнггида имконияти чекланган болалар учун чоп этилган дарслик ва қўлланмалар, давлатимиз томонидан уларга ажратилаётган ўқув жўхозлари ҳамда кийимлар кўргазмаси ташкил этилди.

Ўз мухбиримиз

«Ishonch»га жаВоб берадилар

«Автобус «бек»лари»

2008 йил 15 ноябр, 139-сон

Мақолада келтирилган ҳолатлар «Тошавтотранс» акциядорлик компанияси тизимидаги автокорхоналарда ҳайдовчилар ва чиқатчилар иштирокида атрофича муҳокама қилинди. Йўловчиларга хизмат қўрастиш маданиятини юксалтириш, йўл ҳаракати ва йўловчи ташиш қоидаларига риоя этиш ҳақида қўшимча йўриқнома ўтказилди.

Айтиш жоизки, шаҳар жамоат транспортига ҳайдовчиларни ишга қабул қилишда уларни тиббий кўрик ҳамда автокорхоналардаги махсус жамоат ҳайвати суҳбатидан ўтказиш тартиби жорий қилинган. Шунга қарамай, ҳайдовчилар етишмаслиги сабабли айрим ҳолларда бу талаблар етарли даражада бажарилмай, баъзи жамоат транспорт бошқарувчиларининг ноҳўя хатти-ҳаракатларга йўл қўйиши кузатилмоқда.

Йўналишларда мавжуд қоида ва тартиб-интизомга риоя этилишини назорат қилиш мақсадида «Тошавтотрансхизмат» уюшмаси, компания ҳамда автокорхоналар раҳбарлари ва уюшма қошидаги «Транспорт хизматлари сифатини назорат этиш ва меъёрлаш» бошқармаси ходимлари томонидан доимий равишда рейдлар ташкил этилиб, камчиликларга йўл қўйган масъул ва жаВобгар шахсларга нисбатан маъмурий жазо чоралари қўрилмоқда.

Т.ДАДАБОВЕВ,
«Тошавтотрансхизмат» уюшмасининг
«Тошавтотранс» акциядорлик компанияси
директори

Керакли ёрдам берилди

Фуқаро А.Тўрақуловнинг уй-жойи билан боғлиқ масалада таҳририятга йўллаган хати Деҳқонобод каллий ўғиллар заводи дирекцияси томонидан ўрганиб чиқилди. Аниқланишича, хат муаллифи яшаб турган уй таъмирталаб бўлиб, деворлари ёрилган, дераза ойналари синган. Уй эгаларининг айти-

шича, бу носозликлар автомобил йўли қурилишида портлатиш ишлари натижасида келиб чиққан. Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида А.Тўрақуловга керакли ёрдам берилди.

Ф.ИБРОҲИМОВ,
«Ўқимбўсанот» ДАК
бошқаруви раиси

Ҳокимга ахборотнома киритилди

Фуқаро Т.Тўймабаев ва бошқаларнинг ўзлари яшаб турган маҳаллани табиий газ билан таъминлаш муаммоси бўйича таҳририятга йўллаган хати юзасидан мутахассислар иштирокида текшириш ўтказилди. Текширишда «Қалмоқ» маҳалласи хонадонлари газлаштирилмаганлиги тасдиқланиб, бунинг учун 1,5 км. юқори босимли қувур, 1 донга газ тақсимлаш кутиси кераклиги ва ушбу мақсад учун 30 млн. сўм маблағ талаб қилиниши аниқланди.

Шунингдек, аризада келтирилган дов-дарахтларни ноқонуний кесиш ҳолатлари ва жорий йилда юқумли ёки бошқа турдаги касалликлар қайд қилинмаганлиги маълум бўлди. Юқоридагиларга кўра, маҳалла аҳолисининг турмушини яхшилаш, ҳудудга газ олиб келиш чора-тадбирларини белгилаш бораисида туман ҳокими номига ахборотнома киритилди.

Ў.МАМАТОВ,
Куйичирчиқ тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси

«Этироф» танловига

Хар қандай жамиятнинг сиёсий ҳаётида аҳолининг катта қисмини ташкил этувчи ёшлар ташкилотлари муҳим ўрин тутади. Мамлакатлар ҳаётида вужудга келган муаммоларни ҳал этиш учун жаҳон миқёсида ёшларнинг турли хилдаги ташкилотлари ва ҳаракатлари шаклланди. Бундай ташкилотлар асосан ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва ғоявий талаб-эҳтиёжларини қондириш мақсадида тuzилган бўлиб, биринчи навбатда ўз аъзоларининг мақсад-мафлаҳларини ҳимоя қилади.

Мамлакатимиз сиёсий ҳаётида ҳам ёшлар ташкилотининг аҳамияти ошиб бормоқда. Ёшлар давлат ҳокимиятини ва бошқарув органларини шакллантиришда, жамият ҳаётига доир қарорлар, қонунларни ишлаб чиқишда фаол қатнашишяпти. Ўзбекистон «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати мамлакатдаги ва чет эллардаги ёшлар ташкилотлари билан мустаҳкам ҳамкорлик қилмоқда. Президентимиз Ислам Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» асарида мамлакатимиз раҳбарлари ёшларнинг фидокорлигига боғлиқ эканлигини куйидагича таърифлайди: «Хар бир инсоннинг, айниқса, эндигина ҳаётга қадам қўйиб келаётган ёшларнинг онгига шундай фикрни синдириш керакки, улар ўртага қўйилган мақсадларга

ятини барпо этишга оид чет эллардаги сиёсий-ҳуқуқий қарашларни ва тажрибаларни ўрганишдан иборат. Пойтахтимиздаги олий ўқув юртралида ўтказилган махсус кузатишларда ўтказилган махсус кузатишлардан аён бўлдики, талабаларнинг деярли 85 фоизи Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини яратиш учун илгор давлатлар тажрибаларини ўрганиш зарур деб ҳисоблайди. Шу билан бирга улар бу борадаги маълумотлар етарли эмаслигини қайд этдилар. Ажабланарлиси шундаки, ёшлар ўртаси-

Энди Аброржоннинг компютери бор

Тушга яқин Собировлар хонадонига касабакўм раиси Шухрат Курбонов ҳамроҳлигида бир гуруҳ фаоллар кириб келишди. Улар мактаб раҳбарияти ва оила аъзолари иштирокида 8-синф ўқувчиси Аброржонга янги компютер туҳфа қилишди. — Корхонамиз маъмурияти ва касабакўм уюшма қўмитасининг совғаси бу, — деди касабакўм раиси Аброржонни табриқлар экан. — Яхши ўқиб, ота-онанга муносиб фарзанд

бўлиб етишган. Нафақат Аброржон, балки унинг ота-онаси, яқинлари, қўни-қўшиларининг шодлиги чексиз эди. Ҳаёт тасодифларга тўла. Тақдир тақозоси билан уйда ўқити-лаётган ўқувчилардан 13 нафарига Шўртан газ-кимё мажмуаси директори, сенатор Алишер Султоновнинг ташаббуси билан сўнгги русумдаги компютерлар олиб

берилди. Олийҳиммат жамоанинг бу хайрли иши ҳаммани қувонтириб юборди. — Ўртбошимиз ёшлар билим олиши, хунар эгаллаши учун доимий ғамхўрлик кўрсатмоқда, — дейди корхона касабакўм уюшма қўмитаси раиси Ш.Курбонов. — Директоримиз ташаббуси билан ходимларимиз яшайдиган Нуристон қўрғонига янги мактаб ва боғча қурилиб, замона-



вий жиҳозлар билан таъминланди. Инклюзив таълимга жалб қилинган ўқувчиларга дарслик ва ўқув қуроллари тарқатилди.

Иzzат ХИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири

Инклюзив таълим

«Маржон суви» республика уруш ва меҳнат фахрийлари сийҳаттоҳи Гафлаворол тумани Лалмикор қўрғонига жойлашган. Бу масканда турли касалликларни даволлаш учун барча шарт-шароит яратилган. 150 ўринли ётоқхона, дам олиш уйи нурунийлар ихтиёрида. Ёшлар йилда 2500 нафар бемор даволанди.

Яқинда Меҳнат ва аҳоли ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тизимидagi муассасаларда меҳнат қилаётган ошпазлар иштирокида Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган аънавий республика танловига 2008 йилнинг энг моҳир ошпази аниқланди. «Маржон суви» сийҳаттоҳи бош ошпази Матлуба Шомирзаева юксак малака ва билимга эгалигини намойиш этиб, биринчи ўринни эгаллади. Унга вазирлик ҳамда Жиззах вилояти ҳокимининг биринчи даражаси дипломи, фахрий ёрлик, энг сўнгги русумдаги компютер топширилди.

Абдулла САИДОВ, Жиззах вилояти

Суратда: бош ошпаз М.Шомирзаева

«Ёшлар йили»дан



«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»га

Жамиятни ҳаракатлантирувчи куч

эришиш ўзларига боғлиқ эканлигини, яъни бу нарса уларнинг собитқандам ғайрат-шижоати, тўла-тўқис фидокорлигига ва чексиз маҳнатсеварлигига боғлиқ эканлигини англаб етишлари керак. Худди шу нарса давлатимиз ва халқимиз раҳнақ топишининг асосий шартидир». Ўзбекистонда амалга оширилаётган демократик ўзгаришларнинг негизда жаҳон илм-фани ютуқларидан хабардор, илгор ғояларни ўз юрти ҳаётига жорий эта оладиган ижтимоий фаол, маънавияти юксак, баркамол авлодни шакллантириш ётади. Бу мақсадга эришиш учун биз юқорида тилга олган ёшларнинг «Қамолот» ижтимоий ҳаракати ва бошқа шунга ўхшаш ташкилотларнинг фаолияти муҳим ўрин эгаллайди. Хар қандай ғоя шаклланиш ва ижтимоий ҳаётда ўрин олиш жараёнида бир-бирига боғлиқ уч босқични босиб ўтади. Биринчи босқичда у ҳаёлий андоза ва орзудан ижтимоий воқеликка асосланган илмий-назарий концепция даражасига кўтариллади. Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Низомулмулк, Навоий, Бурҳониддин Марғилолий, Абу Мансур Мотурудий каби мутафаккирларнинг маърифатли тузум барпо этиш ҳақидаги фикрлари гарб фалсафасидаги тараққиётпарвар ғоялар билан уйғунлашиб, юртбошимиз Ислам Каримовнинг фуқаролик жамияти тўғрисидаги назарий фикрлари ва кўрсатмаларида ўз аксини топди. Ислам Каримов ишлаб чиққан концепция: 1. Умуминсоний қадриятлар ва халқаро ҳуқуқ нормаларининг устуворлигини таъминлаш; 2. Миллий ҳуқуқий давлатни барпо этиш ва уни мустаҳкамлаш; 3. Ижтимоий-сиёсий ҳаётда плурализм ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини шакллантириш; 4. Жамиятда ҳуқуқий маданиятни ривожлантириш каби вазифаларни ўз ичига олади. Иккинчи босқич фуқаролик жами-

да буюқ ажодларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий мероси ҳам етарли даражада тарғиб қилинмас экан. Сўрономода қатнашчиларнинг атиги 9 фоизига Ўзбекистонда фуқаролик жамияти асосларини барпо этишда ўлкамиз халқларининг ҳуқуқий меросидан фойдаланиш мақсада мувофиқ деб кўрсатган. Озғак савол-жавоблар пайтида эса ёшларнинг аксарияти Юсуф Хос Ҳожиб, Форобий, Алишер Навоий қандай ҳуқуқий қарашларни илгари сурганини, Марғилолий ва Мотурудийларнинг қайси ғоялари ёшлар ҳуқуқий маданиятини ривожлантириш учун зарурлигини айтиб беролмаслиги аниқланди. Демак, биз яшаётган ҳозирги иккинчи босқичда ёшларнинг чет эл тажрибаларини ўрганишга бўлган қизиқишини тўла қондириш ва уларда фуқаролик жамияти ҳақидаги билимларни шакллантириш зарур. Учинчи босқич эришилган сиёсий-ҳуқуқий ютуқларни мустаҳкамлаш, кишиларни, айниқса, ёшларни фуқаролик жамиятининг ҳақиқий бунёдкорига, ижтимоий фаоллигини уларнинг яшаш тарзига айлантиришдан иборат. Хулоса шуки, ёшларнинг жамиятнинг фозил ва фаол аъзосига айланиши уларнинг касб-кори, ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги иштироки, умумий маданияти, ҳаёт тарзи каби омилларга боғлиқ. Ушбу омиллардан умумий фойдаланишнинг ижтимоий-тарбиявий механизмининг яратиш ҳозир ёшлар ташкилотлари ва ҳаракатлари олдида долзарб вазифа бўлиб турибди. **Зариф ЧОРИАЕВ, ЎЗМУ магистри**

Чорвачилик — касабакўм уюшма оталиғида

Пахтакор туманидаги қишлоқ хўжалик касб-хунар коллежида ўтказилган вилоят чорвачилик тармоғи ходимларининг семинари вилоят ҳокимлиги, касабакўм уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши ҳамда қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан ташкил этилди. Анжуманда соҳа мутасаддилари ва мутахассислари, чорвачилик, наслиқлик билан шугулланувчи фермер ҳамда деҳқон хўжалиқлари раҳбарлари, коллеж ўқувчилари иштирок этди. Эътироф этилганидек, чорвачиликни ривожлантириш мақсадида молия идоралари томонидан 1,9 млрд. сўм кредит ажратилиб, 5,5 минг бош чорва моллари сотиб олинди, 1,5 минг оилага меҳнат дафтари асбоби очилди. Сервис хизмати ахшилланиб, 128 та зооветеринария, суний қочириб шохобчалари ташкил этилди. Вилоятга 1053 бош наслиқ мол келтирилди. Айниқса, Пахтакор туманидаги Фуқат фермер хўжалиги Польшадан 165 бош зотли қорамол сотиб олиб, барчага ибрат кўрсатди. Чорва моллар бош сони 2006 йилга нисбатан 76 мингга кўпайиб, 531 минг бошга етказилди. Вилоятда 111 минг тонна гўшт, 280 минг тонна

қалари ўрнатилгани таҳсинга лойиқ. Мазкур компания кичик ва ўрта бизнес консалтинг маркази номи билан 2003 йил июнида Исроилининг «MASHAV» лойиҳаси сифатида ташкил этилган эди. У ҳозирда «Хусусий консалтинг компанияси» мақомига эга бўлиб, Исроил давлатининг Ўзбекистонда элчионаси билан бевосита ҳамкорликда фаолият юритмоқда. Ушбу корхона раҳбари Андрей Садовский йилгиланлар хузурида чиқиш қилиб, дунёдаги чорвачилиги ривожланган мамлакатлар

иш тажрибаси, техника ва технологиялари ҳақида сўзлаб берди. Нотиқ ҳар бош соғин сигирдан йилга Исроилда 12, АКШда 11, Канадада 10 тонна сут соғиб олинаётганини мисол тариқасида келтириб, бугунги кунда энг аввало наслиқликни ахшиллаш, чорва молларини суний қочириб эътиборни қучайтириш, озука базасини мустаҳкамлаш сингари муҳим жиҳатларга эътибор қаратди. Чорвачиликда сут маҳсулдорлигини кескин оширишнинг учта муҳим омил бўлиб, булар сингирни тўғри озиклантириш, тўғри сақлаш, боқиш ҳамда говмушининг наслдор бўлишини таъминлашдан иборатдир. Тадбир сўнгига бир гуруҳ илгор чорвадорлар, вилоят касабакўм уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг қимматбахо совғалари билан тақдирланди. **Абдуманноп АЗИМОВ, «Ishonch» мухбири**

Амалиётда қўллашга арзигулик

сўт, 85 миллион донга тухум етиштирилди. Бошқа соҳаларда бўлгани каби чорвачиликда ҳам жаҳон тажрибаси, илгор технология, фан ютуқларини қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бу борада «SANARH-AGRO» ЛТД хусусий консалтинг компанияси билан ҳамкорлик оло-

Наманган вилоятининг Янгиқўрғон шаҳарчасидан чиқиб, юқорига — осмон қадар юксалган тоғлар сари ўрмалаган йўлдан кўтарилган. Шаҳарчадан чиқаришдаги сойнинг бетон кўпригидан ўтмиш. Шаҳарчадан чиқаришдаги сойнинг бетон кўпригидан ўтмиш. Шаҳарчадан чиқаришдаги сойнинг бетон кўпригидан ўтмиш.

Қишлоқ таълим масканларида

этилди. Бу эса, табиийки, ўқув ишларини ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. — Грант ютиб олган мактабнинг ўқувчилари бошқалардан нимаси билан ажралиб турибди? Демокчанми, лойиҳанинг ўқувчиларга таъсири нималарда намоён бўлмоқда? — Бир неча йиллар олдин ҳам-

қари, ўқувчиларнинг олий ўқув юртралига кириш даражаси кескин ошди. Бу қўрсаткич ўз вақтида 22-26 фоизни ташкил қилди. Бу натижа эҳтимол шаҳарлардагидан пастдек кўринар, лекин чекка қишлоқ учун катта муваффақият. Энди 9-синф битирувчилари ҳақида гапирадиган бўлсак, бу йилги натижалар жуда қувонарли

ки, бу нарсалар совға, совғани эса авайлаш керак. — Ёшларда ўзлари ўқийётган ўқув меканига эгаллик ҳиссини ошириш зарур. Бу борада қандай ишлар амалга ошириляпти? — Утган йили вилоят бўйича 109 та мактаб капитал таъмирланди. Шундан саккизинчиси бизнинг мактаб. Хар ҳафтанинг шанбаси меҳнат кунини деб эълон қилинган. Унда ўқувчилар мактаб жиҳозларининг тозаллиги, ҳолатига алоҳида эътибор беришди. Бу эса ўз-ўзидан эгаллик ҳиссини оширишга хизмат қилади. Аслида ўқувчи руҳиятидаги мана шу ўзгариш ҳам маънавиятнинг бир кўриниши.

Қолаверса, касабакўм етакчиси билан бамақсад ҳар бир ходимни ишга қабил қилиш олдидан ҳафтидалик техникаси қондалари билан таништирмади, меҳнат шартномаси тузилади. Маъмурият ва касабакўм уюшмаси ўртасида жамоа шартномаси имзоланган бўлиб, иш бериувчи ва ходимнинг мажбурият ва ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Ходимларнинг овқатланиши учун шартнома бўйича, Хар ўқув йилининг охирида педагогик кенгаш ўтказилди. Унда ҳам меҳнат шартномасининг бажарилиши масалалари юзасидан келишиб оламиз. Халигача бу борада шикоят тушгани йўқ.

36-мактаб биноларининг батареялиги, турфа дарактлар, ҳавонинг мусофоллиги кўнгилни қувнатади. Юз-кўзида самимият акс этган одамлар билан суҳбатга киришамиз. Мактаб фаолиятининг ҳамма хурсанд: «Марказдан анча олдда жойлашганига қарамай, мактабимиз чет эл грантини ютиб олган. Болаларимиз учун яратилган шароит ҳеч бир шаҳарниқидан қолишмайди», — дейишди фахр билан. Мактаб саҳнида аста кезиб, муҳим маълумотлар акс эттирилган лавҳаларни ўқиймиз: «417 ўринли мактабда бугунги кунда 420 та ўқувчи таҳсил олмақда. 15 нафар педагог, 18 та ўқув хонаси, 8 та қўшимча хона мавжуд. 1992 йилдан фаолиятини бошлаган мактаб спорт зали, 100 ўринли ошхона, 0,3 га спорт майдончаси, маънавият ва маърифат хонаси, тажриба майдонига эга».

Тоғ ортидаги мактаб

Япония грантини ютиб олди табларни қамраб оларди. 2002 йили Япония ҳукумати ушбу йўналишда 43 та лойиҳани қўлади. Бунинг учун 2 млн. 222 минг 846 АКШ доллари миқдориди маблағ ажратилди. 2004 йил 20 феврал кунини Тошкентдаги халқаро бизнес марказида Япония элчионаси ва мактабимиз ўртасида грант шартномаси имзоланди. Грант маблағларидан фойдаланиш, дўстлик алоқалари, касабакўм уюшма фаолияти билан қўзикамиз. — Грант доирасидаги маблағлар нималарга сарфланмоқда? — Мактаб учун 59 минг доллар ажратилиб, беш йил давомида ишлатилиши режалаштирилган. Ўқув хоналарига замонавий жиҳозлар, ўқув қуроллари, кўргазмалар воситалар олинди. Компютер синфи ташкил қишлоғимиз, шу мактабнинг солиқ ўқувчиси Белгияда таҳсил олиб, Франция, Италия, Люксембургда ишлаётгани ҳаммаимизни хурсанд қиларди. Шогирдимизнинг муваффақиятидан гуруҳларандик. Энди эса мактабимизнинг Япония билан тузган шартномаси энг катта ютуқлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Бунинг таъсирида ўқувчиларда Япония ҳақидаги тасавурлар бойиди. Давлатлараро дўстлик алоқалари ҳақидаги фикрлар мустаҳкамланди. Хар йили рейтинг асосида мониторинг натижаларини сарҳисоб қиларканмиз, кейинги тўрт йил давомида ўқувчиларнинг билим даражаси 5-10 фоиздан ошиб бораётганининг гувоҳи бўлдик. Бундан таш-

булди. Туманимиз миқёсида битирувчиларнинг касб-хунар ва таълимга жалб этилиши бўйича режани биринчи бўлиб бажардик. — Элчиона билан алоқалар бугун қандай кечмоқда? — Хар олти ойда келиб туришди. Кўпинча, «Грант олгандан бери қандай ўзгаришлар бўлди?» деб сўрашди, меҳнатларнинг сақланишини кўздан кеиришди. Хар сафар ўқув жиҳозларининг янгидек сақланаётганини кўриб хурсанд бўлиб кетишди. Чунки бирорта меҳнат уринмаган, чизилмаган, синмаган. Болалар ҳам тушуниб етишган-

олдинлари кўпчиликини қийнади. Чунки йўл олим. Эндиликда бу қийинчилик ҳам бартараф этилди. Энг яқин коллеж иқтисодиёт йўналишида, 2 йил олдин қўшни Нанай қишлоғида қурилди. 16 км. масофадаги Исковот қишлоғидаги коллеж озик-овқат ишлаб чиқариш йўналишида кадрлар тайёрламоқда. — Мактаб касабакўм уюшма ташкилотини қандай фаолият кўрсатмоқда? — Мактабимиз касабакўм уюшма қўмитаси хар ишда маслаҳатчимиз, ҳамкоримиз. Бирор тадбир йўқки, ташкилотнинг ҳиссаси бўлмас.

Хар бир фан ўқувчиси учун алоҳида кабинет ажратилган. Таҳсилларга қўра, илгор ўқувчиларнинг 50 фоизига устам ҳақ тўланади. Яхши натижаларни кўлга киритган ўқувчиларга директор фонддан мукофот пули берилади. Пенсияга чиқадиган ўқувчиларга иккинчи сентябр ёки биринчи октябр кунини совға тариқасида гилам туҳфа қилиш аънаъана айланган. Яна бир аънаъамиз борки, уни айтмасликнинг иложи йўқ. Хар ўқув йилининг охирида «Энг яхши синф», «Энг яхши ўқувчи», «Энг яхши ўқувчи» номинациялари бўйича қолиблар аниқланиб, алоҳида тақдирланади. Утган ўқув йили яқунга қўра тарих фани ўқувчиси Диллола Ҳожибоева «Энг яхши ўқувчи» сифатида телевозор билан мукофотланди. Жамоанинг хар бир аъзоси меҳнатини қуватиб борамиз, ҳеч бир ютуғи беъэтибор қолмайди. Дарҳақиқат, директорнинг гапларида жон бор. Зеро, рағбат бўлмаган жамоада ютуқлар, ташаббускорлик ва, энг муҳими, ривожланиш бўлмайди. Директорнинг гапларини тинглаганмиз, қишлоқ мактабиди муаммолар кўпроқ бўлади деб қўл қовуштириб ўтиришдан ҳеч қандай наф йўқлигига ишондик. Интилганга толе ёр дейишди. Жамоанинг бирдамлиги туфайли тоғ ортидаги мактаб дунё билан бемалол юзлашмоқда. Бунга фақат ҳавас қилиш мумкин. **Дилдора РАҲМОНОВА, «Ishonch» мухбири**

Қаймоғи

Анор НАЗАРОВ:

«...Японияга бордим — япон мен билан ўзбекча кўйлади. Парижда фаранг дилбарларининг ўзбекча оҳангларга эшилиб-эшилиб рақсга тушганини кўрсангиз эди. Италия, Испания, Олмония... Қарийб жаҳонгашта бўлиб қолдим. Ва буюк ҳақиқатга иймон келтирдим: мен Ўзбекистон тугайли, ўзбек халқининг бир куйлараст, қўшиқсевар фарзанди бўлганим учун ҳам «бастакор Анор Назаров» бўлиб кўйрақ кериб юрибман».

(«Жаҳон ўзбекча куйламоқда», 2008 йил 10 январ, 5-сон)

Зокир ОЧИЛДИЕВ:

«Ҳаётда кулгу, жиддийлик, теранлик, донолик ёнма-ён яшайди, бир-бирини тўлдирди, умрнинг тўлақонлиги ҳам шунда. «Хандалак» гуруҳи чиқишларини Умар Хайём, Пахлавон Маҳмуд, Бедил рубоийлари, замонавий шоирларнинг шеърлари беради, мукамаллик бахш этади... Ҳақиқий сўз устаси, қизиқи кулгунинг нозик, ўткир тиглари билан қалблардаги, ҳаётдаги каттаки, кичикки иллатларни шундай чилпиб ташлайдики, ундан қолган из ва жароҳат ҳам кулгудан малҳам қўяди».

(«Чирок ўчиб қолганда», 2008 йил 14 феврал, 20-сон)


ЎЗЎХИСО

Йил якунида ортга назар ташларканмиз, ўтган даврда «Ishonch» газетасининг ўқувчилар билан яқинлиги янада мустаҳкамланганлигига гувоҳ бўламиз.

Жумладан, тахририят йил давомида мухлислардан 1200 га яқин хат-хабар олди. Шундан 1000 дан ошган газета саҳифаларида чоп этилди. Уларнинг катта қисмини қуюнчақлик билан ёзилган фикр-мулоҳазалар, юртимизнинг турли чеккаларида юз бераётган воқеалар ҳақида жамоатчи мухбирларимиз хабарлари ва бадиий ижод намуналари ташкил этди.

Шунингдек, фуқаролардан тушган 115 та шикоятнинг 80 таси маҳаллий ҳокимиятлар, тегишли ташкилот ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига юборилиб, кўрилган чора-тадбирлар ҳақида жавоблар олинди. 24 та шикоят хати эса ўз мухбирларимиз томонидан ўрганилиб, танқидий мақолалар ёзилди ва аризаларда таъкидланган камчиликлар бартараф этилишига қўмақлашилди. 80 га яқин ҳуқуқий маслаҳат сўраб мурожаат қилган фуқаролар саволларига газета саҳифаларида жавоблар эълон қилинди.

Ўз навбатида газетамизнинг ўқишли, мазмунли ва қизиқарли чиқишига ҳисса қўшган «Йилнинг энг яхши материаллари» ҳамда «Йилнинг энг фаол муаллифлари» номини эълон қилишни жонс топдик. Янги йилда газетонлар билан ҳамкорлигимиз бундан-да ривожланишига умид қилиб қоламиз.



Йилнинг энг фаол муаллифлари



- лари доктори, профессор **Маҳмуджон ИСАЕВ**, ЎзКУФК меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи
- Абдусалом РИСКУЛЛАЕВ**, ЎзКУФК юридик бўлими бошлиғи
- Аскарали СУЛТОНОВ**, ЎзКУФК маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими бошлиғи
- Шавкат СУЛТОНОВ**, Бухоро вилоят соғлиқни сақлаш ходимлари касабаси уюшмаси кенгаши раиси
- Жўракул Йўлдошев**, Еқилги-энергетика комплекси, кимё sanoати ва геология ходимлари касабаси уюшмаси Марказий кенгашининг Самарқанд вилояти вакили
- Анорбой НОРКУЛОВ**, журналист
- Мурод ЛОЛАХОНОВ**, ўқитувчи
- Жамшид НИЁЗОВ**, журналист
- Ориф ФАРМОН**, ўзвучи
- Шавкат МУЗАФФАР**, рассом
- Хусан СОДИКОВ**, рассом
- Элмурод НИШОНОВ**, журналист
- Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ**, санъатшунослик фанлари номзоиди
- Жангабой ЖАЙЖОНОВ**, журналист
- Амриддин БЕРДИМУРОДОВ**, тарих фанлари номзоиди
- Маъсума АҲМЕДОВА**, ўзвучи
- Саид АНВАР**, ўзвучи
- Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ**, журналист
- Акмал ТОШЕВ**, журналист
- Иқбол КЎШШАЕВА**, журналист
- Дилором ҲАМРОЕВА**, филология фанлари номзоиди
- Мухтарам УЛУҒОВА**, шоира
- Абдулла САИДОВ**, ўқитувчи
- Саида ЭШМЎМИНОВА**, журналист
- Абдухалил РАЗЗОҚОВ**, ТДИУ профессори
- Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ**, журналист
- Шухрат ХАЛИЛОВ**, Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касабаси уюшмаси Навоий вилоят вакили
- Азизбек НОРОВ**, ўқувчи
- Асадулло МИРЗААҚБАРОВ**, «Хамкорбанк» ОАТБ бирлашган касабаси уюшмалари қўмитаси раиси
- Содик ИСАЕВ**, «Самарқандмебел» АЖ директор ўринбосари
- Рустам САТТОРОВ**, наманганлик мухлис

- Иброҳим НОРМАТОВ**, сийсий шарҳловчи
- Гулчехра ЖАМИЛОВА**, журналист
- Мухаммадҷон МАҲМУДОВ**, меҳнат фахрийси
- Қозоқбой ЙЎЛДОШ**, педагогика фанлари доктори, профессор
- Виктор АЛИМАСОВ**, фалсафа фанлари доктори, профессор
- Тоҳир ИБРОХИМОВ**, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Жамиятда касабаси уюшмалари нуфузи кундан-кун ошиб бормоқда. Меҳнатқашларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, ҳақ-ҳуқуқини таъминлашда ташкилотнинг ўрни алоҳида. Ана шу ишларни халққа танитишда эса оммавий ахборот воситаларининг хизмати беқиёс. «Ishonch» газетаси бу борада кўп йиллардан буён асосий тарғибот воситаси бўлиб келаяпти. «Етакчи минбари», «Меҳнат муҳофазаси», «Ижтимоий ҳимоя», «Касабаси уюшма спорти» каби рунқларда қизиқарли мақолалар берилаяпти.

Фаолиятимиз кўзгуси

таби вазифасини ҳам ўтамоқда. Хусусан, норматив ҳужжатларни тузишга оид тавсиялар эълон қилиниши, «Ҳуқуқий сабоқлар» рунқидида касабаси уюшмалари ишини ташкил этиш ҳақида, кадрлар билан ишлаш бўйича мутахассисларга маслаҳатлар берилиши айтиш мумкин бўлаётди.

Айниқса, кейинги йилларда касабаси уюшмалари амалга ошираётган ишларни кенг тарғиб қилиш, соҳа фидойиларининг киёфасини очиб бериш мақсадида таъсис этилган «Инсонга наф келтириш —

Мухаббат УРМОНБЕКОВА, ЎзКУФК матбуот котиби

Спортга эътибор камаймайди

Мулҳазир фикри журналист учун ҳар доим қимматли бўлиб қолган. Чунки унинг қизиқувчи доираси, муаммо ва ютуқлари нашр саҳифаларидан ўзин олганида, журналист меҳнати янада катта топиди. Зеро, халқнинг кўнглидаги сеза олмаган, унинг муаммоларидан кўз юмиб ўтмаган журналист касобининг устаси бўла олмайдди. Шу маънода «Ishonch» ва «Ishonch-Doverie» газеталари тахририяти ходимларининг мухлислар билан учрашувлари ҳар йили томон учун фойдали бўлиши шубҳасиз. Ўтган ҳафтада ЎзКУФК ўқув марказида спорт мактаблари директорларидан иборат жамоа билан бўлиб ўтган кўнрақ мусобақаси ҳам ана шундай тадбирлар каторига қўшилди.

Ижодим сермаҳсул бўлди

Анча вақтдан буён «Ishonch» газетасида хабар ва мақолаларим чоп этилади. Уларда асосан ўзим яшаватган Марғилон шаҳрида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юртаман. Нашрнинг фаол муаллифига айланишимда тахририят ишдорларининг ҳиссаси катта. Жамоанинг ёзганларига эътибор билан қараб, газета саҳифаларидан жой бериши мени руҳлантиради, қўлимга қалам олишга ундайди. Келгуси йилда ҳам газета билан ҳамкорликни давом эттириш ниятдаман.

Мухаммадҷон МАҲМУДОВ, меҳнат фахрийси

Йилнинг энг яхши материаллари

- 1. Иzzат ҲИҚМАТОВ:** «Ҳаёт йўли» (2008 йил 1 январ), «Холбой муаллим қураётган маънавият маркази» (2008 йил 10 январ), «Эзгуликка йўғрилган умр» (2008 йил 15 январ).
- 2. Акмал АБДИЕВ:** «Спорт миллатни соғлом ва улуг қилади» (2008 йил 1 январ), «Машриқзамин маликаси» (2008 йил 8 март).
- 3. Улуғбек ИБОДИНОВ:** «Олтириқда тоқзорлар кўркам» (2008 йил 1 январ), «Еғоч аскарлар хуружи» (2008 йил 14 феврал), «Пластик қарточкалар қулайми?» (2008 йил 25 март).
- 4. Нурилла ШАМСИЕВ:** «Эътироф» (2008 йил 18 январ), «Қашқир чанғалида» (2008 йил 28 феврал), «Устун» (2008 йил 16 декабр).
- 5. Обиджон ЖУМАНАЗАРОВ:** «Турсунбой кимга ёқмай қолди?» (2008 йил 10 январ), «Маошани тўлаб қўйинг, каттақон!» (2008 йил 15 январ), «Китоб дўконини ахтариб» (2008 йил 5 феврал).
- 6. Мухаббат ТУРАБОВ:** «Гужум» (2008 йил 10 январ), «Барака бирдами ё мингдими?» (2008 йил 31 январ), «Ўтмиш ва бугун учрашган макон» (2008 йил 21 феврал), «Гала концерт нега кам?» (2008 йил 16 декабр), «Қувонч ва ташвишларга йўғрилиб» (2008 йил 1 май).
- 7. Анорбой НОРКУЛОВ:** «Қашқирларнинг сунги ови» (2008 йил 10 январ), «Мундир қийган қаллоблар» (2008 йил 19 апрел).
- 8. Дилбар БОБОЖОНОВА:** «Меҳригёҳ сирлари» (2008 йил 10 январ).
- 9. Иброҳим НОРМАТОВ:** «Меҳр уруғи» (2008 йил 17 январ), «Садағанг кетай, савоатли юртим!» (2008 йил 14 феврал), «Стинг ўсин, хиёнат!» (2008 йил 13 март).
- 10. Умид ЯҲҚУБОВ:** «Вайрона чамбараги» (таржима) (2008 йил 17 январ), «Наномания» (2008 йил 14 феврал), «Матрица излаётган рух» (2008 йил 27 март).
- 11. Йўлдош СУСАМБИЛ:** «Мухаббат муҳри» (2008 йил 19 январ—2 феврал).
- 12. Рустам ДАВЛАТОВ:** «Бойсуннинг фахри — «Шалол» (2008 йил 24 январ), «Ҳамиша уйғоқ Тўпалангдар» (2008 йил 17 феврал).
- 13. Саида ЭШМЎМИНОВА:** «Асри қаритган минора» (2008 йил 26 январ), «Сурхоннинг «Қирққиз»и» (2008 йил 6 март).
- 14. Абдухалил РАЗЗОҚОВ:** «Ўзбекистон — улкан имкониятлар мамлакати» (2008 йил 26 январ).
- 15. Абдуманнол АЗИМОВ:** «Ташвишларда бордек ҳаловат» (2008 йил 29 январ), «Совун пуфпағи» (2008 йил 28 феврал).
- 16. Узок ЖўРАҚУЛОВ:** «Болалар хонаси» (таржима) (2008 йил 31 январ, 7 феврал).
- 17. Курбон ЭГАМБЕРДИЕВ:** «Бири аломат, бири қулфат» (2008 йил 31 январ), «Қулфат» (2008 йил 28 феврал).
- 18. Абдулла САИДОВ:** «Меҳри тулпорга пайванд» (2008 йил 2 феврал), «Тоғтошларда излари қолди» (2008 йил 29 апрел), «Отбўка» (2008 йил 30 октябр).
- 19. Амина ҚОДИРОВА:** «Китоблар дунёни кутқаради» (2008 йил 5 феврал), «Сумалақдан тош топдим...» (2008 йил 22 март), «Тақдирни қўл билан яратур инсон...» (2008 йил 6 ноябр).
- 20. Қомилла БОЙМУРОДОВА:** «Ҳаёт карвонининг сарбонлари» (2008 йил 7 феврал), «Нияти — эзгулик, амали — савоб» (2008 йил 23 август).
- 21. Қозоқбой ЙЎЛДОШ:** «Маънавий уйғоқликка чорлов» (2008 йил 9 феврал), «Қолипга тушмаган ўзвучи» (2008 йил 10 апрел), «Миллат таъқибларини нурлангариб...» (2008 йил 15 ноябр).
- 22. Довуд МАДИЕВ:** «Мўлжал аниқ олинса...» (2008 йил 14 феврал), «Елгон учун жавобгарлик борми?» (2008 йил 28 феврал), «Темирчида чикқан қаламқаш» (2008 йил 26 июн).
- 23. Мухтарам УЛУҒОВА:** «Чирок ўчиб қолганда» (2008 йил 14 феврал), «Сўз — зар, нотик — заргар» (2008 йил 21 феврал), «Шарҳловчи ҳам мухлис» (2008 йил 11 декабр).
- 24. Шарофат НОРКУЛОВА:** «Турналар қайтганда» (2008 йил 19 феврал), «Саодатманд кунлар шухуқи» (2008 йил 5 апрел), «Умид ишончини юксалтирадими» (2008 йил 18 октябр).
- 25. Шерзод АБДУСАМАДОВ, Дилрабо МИНГБЕКОВА:** «Тушунди ёмғирлар мени» (2008 йил 21 феврал).
- 26. Заънабдин РИХСИЕВ:** «Эзгулик эшиклари ҳамиша очик» (2008 йил 23 феврал), «Омад интиланга қулиб боқадим» (2008 йил 29 март), «Мен Ўзбекистон фуқаросиман» (2008 йил 26 апрел).
- 27. Гулноза ЭРЖИГИТОВА:** «Зулфия замондошлари нигоҳида» (2008 йил 1 март).
- 28. Тўлкин ШЕРНАЕВ:** «Биздан яхши боғ қолсин» (2008 йил 1 март), «Иноғом ота эккан чинорлар» (2008 йил 10 май).
- 29. Жўракул ЙЎЛДОШЕВ:** «Аждодларимиз баҳайбат бўлишганими?» (2008 йил 6 март).
- 30. Дилором ҲАМРОЕВА:** «Маънавият сабоқлари» (2008 йил 6 март), «Сизнинг фол китобингиз» (2008 йил 8 май).
- 31. Пиримкул ДУСТМАМАТОВ:** «Халоскор дўхтир» (2008 йил 1 май), «Миллий истиклол — азиз неъмат» (2008 йил 21 август), «Юрта нур, қалбга зий таратиб» (2008 йил 14 октябр).
- 32. Иқбол КЎШШАЕВА:** «Иштироб туйғуни чарқлайди» (2008 йил 8 март), «Муаллим қадр» (2008 йил 7 октябр).
- 33. Иzzатилла ҲОЖИЕВ:** «Боғлар кўрки қўлимизда» (2008 йил 11 март).
- 34. Саъдулло КУРОНОВ:** «Баббар жамият тимсоли(ми?)» (2008 йил 13 март).
- 35. Абдулҳай ЮНУСОВ:** «Меҳнатқаш шароитдан рози бўлсин...» (2008 йил 15 март), «Юрган — дар» (2008 йил 9 сентябр).
- 36. Акмал ТОШЕВ:** «Бештут» (2008 йил 15 март), «Маққуралар уруши» (2008 йил 5 июн).
- 37. Омонулла МАДАЕВ:** «Наврўз сабоқлари» (2008 йил 28 март).
- 38. Мухаммад АЛИ:** «Соҳибқироннинг неча фарзанди бўлган?» (2008 йил 5 апрел), «Чирогой ўчмайдиған шоир» (2008 йил 15 май), «Ахиллар мажлиси» (2008 йил 4 ноябр).
- 39. Ҳидоят ЖўРАЕВА:** «Озорнинг охири надомат» (2008 йил 10 апрел), «Ахборот глобализациядан дунёда ОАВ» (2008 йил 26 июн).
- 40. Анвар ҲАМРОЕВ:** «Судья — адолат тимсоли» (2008 йил 19 апрел).
- 41. Абдусаттор СОДИКОВ:** «Гарашада шундай оила бор» (2008 йил 26 апрел).
- 42. Фирдас УМАРОВ:** «Саробга судраган сархушлик» (2008 йил 1 май).
- 43. Маъсума АҲМЕДОВА:** «Шаҳарга савҳат» (2008 йил 1 май), «Емғирда» (2008 йил 5 июн).
- 44. Мамаражаб МУҲАММАДИЕВ:** «Каттақўрғондан Берлинга» (2008 йил 8 май).
- 45. Темур УБАЙДУЛЛО:** «Уч ажойиб инсон ҳақида» (2008 йил 10 май).
- 46. Саид АНВАР:** «Ўғрилари тўғрилари» (2008 йил 15 май), «Хамма айб ўзимизда» (2008 йил 12 июн).
- 47. Умид ЯҲҚУБОВ, Қозоқбой ЙЎЛДОШ:** «Ўзбек маънавиятининг ўз тарозиси бор» (2008 йил 29 май).
- 48. Мансур АЛОВУДДИНОВ:** «Тўрт бора ўлган одам» (2008 йил 29 май), «Сунгги васият» (2008 йил 3 июл).
- 49. Дилдора РАҲМОНОВА:** «Миллатлар қандай тараққий этарлар» (2008 йил 5 июн), «Бу касб фидойиликни, заҳматкашликни ёқтиради» (2008 йил 1 октябр).
- 50. Дилором ХУДОЙБЕРГАНОВА:** «Ҳамиша ўталадиган бурч» (2008 йил 15 июн).
- 51. Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ:** «Миссионерлик ичдан бузиш демакдир» (2008 йил 12 июн), «Диний ташкилотлар ва радикал оқимлар» (2008 йил 11 декабр).
- 52. Даврон ҚАМБАРОВ:** «Болалар хавфсизлиги ўз қўлимизда» (2008 йил 14 июн).
- 53. Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ:** «Аҳмад ҳайкалтарош» (2008 йил 17 июн).
- 54. Юсуф СИДДИҚОВ:** «Улкан илон» (2008 йил 19 июн).
- 55. Абдусаттор АҲМАДАЛИЕВ:** «Бизнинг Уктамали» (2008 йил 24 июн).
- 56. Гулчехра ЖАМИЛОВА:** «Бизни тинглаётган ой» (2008 йил 10 июл), «Эриқа ўғил» (2008 йил 24 июл), «Виждонни нима кутқаради?» (2008 йил 25 сентябр), «Қуроқчи момо» (2008 йил 27 ноябр).
- 57. Нурбек ЙЎЛДОШЕВ:** «Мехнатқаш «афсунгар» Ўзбекистонда» (2008 йил 17 июл).
- 58. Даврон ФАРМОНОВ:** «Алдов туюғи» (2008 йил 17 июл).
- 59. Мурод ЛОЛАХОНОВ:** «Илонлар салтанати» (2008 йил 24- июл).
- 60. Виктор АЛИМАСОВ:** «Жинсларро муносабат» (2008 йил 11 август), «Аёллар савдоси» (2008 йил 11 сентябр).
- 61. Алижон ЗОХИДИЙ:** «Йўл азоби» (2008 йил 11 сентябр).
- 62. Жалил ҲАЗРАТҚУЛОВ:** «Улуғини улуғлаган эл» (2008 йил 11 сентябр).
- 63. Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ:** «Ухламайдиған шаҳар» (2008 йил 18 сентябр).
- 64. Аскарали МАМАТОВ:** «Барчиной — касабам раиси» (2008 йил 18 сентябр).
- 65. Баҳром ЯҲҲЕВ:** «Томорқа нега қаровсиз?» (2008 йил 23 сентябр).
- 66. Юсуф МУКИМБЕКОВ:** «Сиртмоқ» (2008 йил 4 октябр).
- 67. Жангабой ЖАЙЖОНОВ:** «Элликқалъадаги вақил» (2008 йил 11 октябр), «Сардор» (2008 йил 29 ноябр).
- 68. Амриддин БЕРДИМУРОДОВ:** «Афсона қобилидаги тухмлар» (2008 йил 18 октябр).
- 69. Алимурод ТОЖИЕВ:** «Иштироб чизгилари» (2008 йил 30 октябр).
- 70. Ориф ФАРМОН:** «Ўз уйда бахтли инсон...» (2008 йил 6 ноябр).
- 71. Тоҳир ИБРОХИМОВ:** «Паханалик хасталик...ми?» (2008 йил 20 ноябр).
- 72. Даврон ҚАРИМЖОНОВ:** «Бир-бирини тўлдирувчи ташкилотлар» (2008 йил 6 декабр).
- 73. Жамшид НИЁЗОВ:** «Замонга ҳамнафас бўлай десангиз...» (2008 йил 11 декабр).

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши

Барча
юртдошларимизни,
жумладан, азиз тиббиёт
ходимларини кириб келаётган Янги
йил байрами билан муборакбод этади.

Ҳар бирингизга бахту саодат,
хонадонларингизга файзу барака тилайди.
Қалбингизни ишонч, эзгулик ва яхшилик нури
тарк этмасин.

Марказий кенгаш янги йилда ҳам тармоқ
ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва
ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаб,
саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида
ғамхўрлик кўрсатиш, фидокорона
меҳнатини қадрлаш, уни муносиб баҳолаш,
қадр-қимматини жойига қўйиш,
қобилият ва истеъдодларини рўёбга
чиқариш учун бор куч ва
имкониятини сафарбар этади.

Янги йилингиз
қутлуғ бўлсин!



Бухоро вилоят таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси кенгаши

Барча юртдошларимизни, шу билан бир қаторда фанимиз
фидойиларини, таълим тизими заҳматкашларини кириб келаётган
Янги йил билан сатимий муборакбод этади.

Ҳар бирингизга сўхат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга
файз-барака, мамлакатимизнинг янада гуллаб-яшнаши, таълим
tizimi ривожи ҳамда халқимиз фаровонлигини ошириш йўлидаги
халол меҳнатингизга улкан зафарлар тилайди.



«ТОШКЕНТ ЁҒ-МОЙ КОМБИНАТИ»


**очиқ акциядорлик жамияти
қўшма корхонаси соҳа
ишчи-хизматчиларини кириб
келаётган Янги 2009 йил билан
самимий муборакбод этади.**



*«Қишлоқ таракқотли ва фаровонлиги йили»да юрти дастурхони
тафқинчилиги ва фаровонлиги устуни кўзрашайтуган азиз инсонларга ва
уларнинг оилалига сунган-саломатлик, узок умр, ишларида
муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди.*

Қувонч ва шодлик мўлдори хамроҳининг бўлсин!





Таъмирлаш цеҳи ҳаётдан

Хозирда «YO'LREFTRANS» ОАЖда 213 та 5 вагонли рефрижератор секциялари мавжуд бўлиб, депо таъмирдан чиққан ҳар бир вагон икки ярим йилда қайта таъмирга кириши керак. Бу орада вагон 150 000 км. йўлни босиб ўтиши лозим. Умуман, бир ойда 58 та вагон таъмир-

мол маҳсулотлари тайёрлангани ҳам таҳсинга лойиқ.

Сифат ва юксак кафолат — халқаро алоқалар мезони

— Сифат — ишимизнинг асосий негизи, рақобат қилувчи стратегик ҳаракатимизнинг пойдеворидир, —

муҳит яратилаётгани жамият фаолиятидаги ютуқлар омили бўлмоқда. Булар эса акциядорлик жамиятига хорижий сармояларни жалб этиш, турли қўшимча хизматлар кўрсатишни ташкил этиш, таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш ҳажмини кенгайтириши имконини яратмоқда. Бу ишлар са-



«YO'LREFTRANS» — ЎЗБЕКИСТОНДА ЯҒОНА

Янгиликнинг амалдаги самаралари

«YO'LREFTRANS» ОАЖ Ўзбекистон темир йўлларида ягона, Марказий Осиёда ҳам ўз салоҳиятига эга корхонадир. Бу ерда рефрижератор вагонлари таъмирланади ва бу вагонларда юртимиз деҳқонлари етиштирган, мевасабзавотлар МДХ мамлакатларига етказиб берилди. Халқаро талабларга мос равишда модернизация қилинган вагонлар Россия, Қозғоғистон ва Қирғизистон давлатларида ҳам ишлатилмоқда. Аввало, бу ютуқларга эски рефрижератор секцияларини юк вагонларга айлантириш орқали эришиляпти, яъни у вагонларга «иккинчи ҳаёт» берилляпти. Ҳар бир рефрижератор вагонининг икки томонида мавжуд бўлган «машина бўлими»ни ажратиб турган темир тўсиқлар олиб ташланиб, вагон тубдан таъмирланыпти. Шунинг билан модернизация қилинган янги вагон дунёга келмоқда.

— «Машина бўлими» умумий вагонга қўшилиши натижа-сида ҳар бир вагон

3 метрга узаяди, — дейди «YO'LREFTRANS» ОАЖ бошқаруви раиси Раҳимжон Пиров. — Шунда вагон ҳажми 100 м. кубдан 127 м. кубга ошади. Такомиллаштирилган бундай вагонларга энди 45-46 тонна ўрнига бемалол 50 тоннагача юк ортилаверади.

Корхона бу вагонлардан Россия, Қозғоғистон ва Қирғизистон давлатларида 2008 йилнинг 11 ойида 13 та етказиб берди. Натижада, экспорт хизматлардан 303,3 миң АҚШ доллари миқдоридан даромад кўрилди. Ҳолбуки, 2007 йилнинг бу даврида экспорт хизматларидан 78,8 миң доллар маблағ топилган эди, холос.

Хозирга келиб, корхона цехларида ҳар ойда 5 та вагон модернизация қилинапти. 2009 йилдан бошлаб йилига 50 та шундай янги вагонлар тайёрланиши режалаштирилган.

дан чиқарилмоқда. Таъмирлаш цеҳи ишчилари Х.Холматов, З.Фуломов, Ф.Эгамбердиева, Ж.Амиронов, Й.Утегенов, Ж.Солиев, С.Нишоновлар ўз ишининг моҳир усталари ҳисобланади.

Бу ерда 2009 йилда амалга оширилиши мўлжалланаётган янгиликдан бири — филдирак жуфтларига қайтадан «ҳаёт бахш этиш» бўлиб, улар зарур бўлганда валюта ҳисобига четдан олинишини эътиборга олсак, янгиликнинг самараси беқиёсдир.

2008 йилнинг шу вақт ичида 580 та вагон таъмирдан чиқарилди. Ваҳоланки, ўтган йилнинг шу даврида бу кўрсаткич 51 тага кам эди.

Аҳолига 11 ой давомида 34 млн. 336 миң сўмлик пуллик хизмат кўрсатилгани ва 51 млн. 580 миң сўмлик халқ истеъ-

дейди Р. Пиров. — Сифат ўлчовларимиз энг синчков миқдоримиз бўлмиш қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштирувчи деҳқонларимиз томонидан шаклланди ва кундалик ишимизнинг бозор талабларига сингиб кетди.

Жамоа Ўзбекистон Республикаси Президентининг соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2007» кўрик-танловида қатнашиб, махсус диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирлангани беҳиз эмас.

Корхонада таъмирлаш тизими замонавийлаштирилган, ижозлар истаги ва бозор талаблари даражасида малакали хизматлар кўрсатилаётгани, хорижий сармоялар ва инвесторларга адолатли, тенг ҳуқуқли



мараси ўлароқ, жамоага нуфузли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан таъсис этилган, МДХ доирасида саноат ва транспорт корхоналарининг ўзаро иқтисодий интеграциясини ривожлантиришга йўналтирилган «МДХ НИНГ ЭНГ ЯХШИ КОРХОНАСИ» халқа-

ро саммитида ҳамдўстлик юлдузи — Ҳурмат белгиси мукофоти топширилдики, бундай эҳтиром ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Бу эса мустақиллик йилларида корхона нуфузи нечоғли ошганидан далолат бериб турибди. 2007 йилнинг август ойида «YO'LREFTRANS»


ОАЖга ISO 9001: 2000 сифат сертификати берилди. Натижада, «Тез бузиладиган юкларни изотермик ҳаракат воситалари ёрдамида ташини ҳамда рефрижератор вагонларни созилаш» бўйича сифат менежменти тизими жорий этилди. Бунинг натижасида корхона хорижий буюртмачилар билан шартнома асосида ишончли, кафолатли шерикка айланди.

Шунинг учун корхона фаолияти инвесторларни ўзига жалб этмоқда. Жумладан, 2007 йилнинг декабрига келиб, Жанубий корейлик сармоядорлар шартномага кўра, корхонага беш йиллик дастур бўйича 6 млн. АҚШ доллари миқдоридан сармоя киритадиган бўлди. 2008 йилда ўтказилган дастлабки 1 млн. АҚШ доллари миқдоридан инвестиция маблағи корхона фаолиятининг ривожланишига ишлатилди.

Корхонада ишчиларнинг маданий дам олишлари, спорт билан шуғулланишлари учун кўп ишлар қилинмоқда. 250 ўринга мўлжалланган замонавий ошхонада ишчилар нафақат имтиёзли тарзда овқатланишади, шунингдек, ўзларининг шахсий тадбирларини ҳам бемалол ўтказишади. «Савдо маркази» ишчилар хизматида. Депода ташкил этилган тикувчилик цехининг овозаси кўп жойларда маълум. Иш кийимларининг 45 фоизи шу ерда тикилмоқда.

Адҳам ДАМИНОВ

Суратларда:
корхона ҳаётдан лавҳалар. (Н)



«Эътироф» танловига

Мамлакатимизда шахс ўз кадр-қимматини теран ҳис қилиб яшаш учун кенг имкониятлар яратилиб, ҳар бир соҳа босқичма-босқич ислоҳ қилинмоқда.

Менталитетимизга хос бўлган тотувлик, бағрикенглик гоиларини қарор топтиришда фуқаролик жамияти институтларининг алоҳида ўрни бор.

Аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, сиёсий дунёқарашини юксалтириш ва маънавиятини бойитишга кўмаклашувчи бундай институтлар ҳақида ҳамма ҳам тўла тасаввурга эга эмаслиги боис уларни кенг тарғиб қилиш эҳтиёжи мавжуд.

Фуқаролик жамияти институтлари жумласига қандай ташкилотлар кирди ва уларнинг вазифалари нималардан иборат?

Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, сиёсий партиялар, касба уюмлари, жамоат бирлашмалари ва фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар фуқаролик жамиятининг

Фуқаролик жамияти институтлари

асосий институтлар ҳисобланади. Улар мамлакатимизда демократик кадриятлар, таъминлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бирга оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликда жамоатчилик фикрини шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Бугун юртимизда фаолият

юритаётган нодавлат нотижорат ташкилотлар сони беш миңга етди. Уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари хилма-хил бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Ушбу институт-

ларнинг фаолиятини тартибда солиш, қўллаб-қувватлашга доир бир қатор қонунлар қабул қилинди. Сенатнинг 2006 йил 30 ноябр — 1 декабр кунлари бўлиб ўтган саккизинчи ялпи мажлисида маъқулланган «Нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги қонунга

кўра давлат субсидия, грант ва давлат буюртмалари бериш орқали бу ташкилотлар фаолиятини таъминлайди ва қўллаб-қувватлайди.

2008 йилнинг 3 июл куни Қонунилик палатаси кенгаши ва Сенат кенгашининг қўшма мажлисида нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, шунингдек, фонд маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. 10 июлда эса фонд низоми ва комиссия таркиби тасдиқланди.

Хулоса қилиб айтганда, қисқа муддат ичида Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ҳар томонлама такомиллашди. Бу эса, шахс ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимоясининг янада мустаҳкамланишига замин яратди.

Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,
ЎЗМУ магистри

Барқарор ривожланиш омили

Ҳар бир давлатнинг қудратини белгиловчи ўзига хос омиллар бўлади. Ишлаб чиқариш барқарор йўлга қўйилган, иқтисодий индустри бақувват ана шундай ривожланган давлатлар тажрибасини ўрганиш, уларнинг муҳим жиҳатларини ўзлаштириш эса юртимизни янада тараққий эттириш учун ниҳоятда муҳим саналади.

Бунда, айниқса, ишлаб чиқаришга илғор инновацион гоилар, технологиялар ва лойиҳаларни татбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади. Мутахассисларнинг фикрича, инновация, илмий-техника фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш — келажакда энг катта фойда келтирадиган инвестиция.

Президентимизнинг «Инновацион лойиҳалар ва технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бу борадаги вазифаларни янада янги босқичга кўтаришга хизмат қилади. Зеро, ушбу ҳужжатда қайд қилинганидек, замонавий ускуналар ва технологияларнинг халқро ва маҳаллий ишланмаларини ўрганиш кўзда

тутилган. Шу асосда илғор технологияларни ишлаб чиқаришга татбиқ этишининг ҳар йили ва ўрта муддатли дастурларни шакллантириш, шунингдек, маҳаллий илмий тадқиқотлар ва ишланмаларга буюртмалар жамламасини шакллантириш масаласи ўртага қўйилган.

Қарорда, шунингдек, 2013 йилнинг 1 январигача бўлган даврда ўқув ва илмий-тадқиқот муассасалари ҳамда ташкилотлари, лойиҳа-конструкторлик ташкилотлари ҳужалик юритувчи субъектлар билан тузилган шартномалар бўйича амалга оширилган амалий илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини ба-жариш қисмида даромад солиғи, ягона солиқ тўлови, қўшилган қиймат солиғи ва давлатнинг мақсадли жағғармаларига мажбурий тўловлар (ягона ижтимоий тўловдан ташқари) тўлашдан озод этилиши белгиланган. Айтиш мумкин-ки, мажбурий имтиёз пировордида умумиқийматли самарадорликка хизмат қилишига шубҳа йўқ.

Т.ТОҶИБОЕВ,
Сирғали туман ДСИ шўъба бошлиғи

Қарор ва ижро


Бухоро вилояти касабачушма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши

Мамлакатимиз мустақиллигининг раънақ топишига салмоқли ҳисса қўшаётган, улғў юртимиз тинчлиги ва ободлиги, халқимиз фаровонлигини таъминлашда фидойилик кўрсатаётган азиз инсонларни Янги — 2009 йил билан самимий қутлайди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили»да улкан бунёдкорлик режаларини кўзлаган пок ниятли юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, бахту иқбол, зафарлар ҳамisha ёр бўлишини тилаб қолади!

Янги йилнингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

«Ўзбекистон—GM» автомобилсозлик қўшма корхонаси маъмурияти ҳамда касабачушма қўмитаси



Барча юртдошларимизни яқинлашиб келаётган Янги йил байрами билан муборакбод этади. 2009 йил оилангизга янги зафарлар, хонадонингизга қут-баракани олиб келсин!

Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин!

Ўзбекистоннинг энг йирик ва универсал банкларидан бири — Халқ банки

Мамлакатимизнинг барча фуқароларини яқинлашиб келаётган Янги — 2009 йил билан самимий муборакбод этади! Биз, азизларга мустаҳкам соғлиқ, оилангизга бахт-саодат, хонадонингизга шоду хуррамлик, дастурхонингизга қут-баракани тилайди. Янги йилдан бошлаб коммунал тўловларга кўрсатилган хизматлар ва уяли алоқа тўловларини тўлашнинг «Экспресс» янги тўлов хизматини жорий қилади ҳамда жуда арзон ва қулайлиги билан ҳақларни бир зумда тегишли идора ва корхоналар ҳисоб рақамларига ўтказилишини таъминлайди ва янги хизмат турини таъриф этади.



БАНК ТОМОНИДАН ЯРАТИЛАЁТГАН ХИЗМАТЛАРДАН ФОЙДАЛАНИНГ



Элчилар ва одадлар

Янги йилни қандай кутамиз?

Нихоят йилнинг шохона байрами етиб келди. Бу лавзаларда нафақат йил янгиланади, балки кўнгилмиздаги бугунги гунлар ҳам бир-бири билан ўрин талашаётгандек бўлади. Кимдир шарбат тўлдирилган қадаҳга термулиб «ҳайтим шундай тўли ўтсин» дея ният қилса, баъзилар «турмушим лаззатли бўлсин» деган истак билан таомдан ҳам аввал ширинликка қўл узатади. Эмишчи, янги йил кираётган дақиқаларда киши қандай кайфиятда бўлса, йил бунини шу кайфият сакланиб қоларкан!

«Йил алмашинаётти, гиналарни унут, ўйнаб-қулиб юр!» деган гапда ҳикмат бор. Лекин яхшилик йўлидаги иримларга берилмоқ фақат бизнинг халқимизгагина хос эмас. Мана, эътибор беринг...

Омад сувга боғлиқми?

Идишларни сув билан тўлдириб, сўнг уларни тўкиб ташлаш кубалиқларга хос анъана. Сувни тўкиб, идишни бўшатиши билан кишилар «сув тўкилди, янги йил омадли келсин» деб ният қилишади. Қизиқ, омад ҳам сувга боғлиқми?

Кираверинг, эшик очиқ...

Байрам кунлари Ирландиядаги хонадонларнинг эшиклари ланг очиқ бўлади. Кўчадан ўтаётган йуловчи хонадонлардан бирига кириб меҳмон бўлиши ҳам мумкин. Чунки юз йиллардан бери сақланиб келаётган одатга кўра, янги йил кунлари ирландияликлар ҳар қандай меҳмонни иззат-иқром билан кутиб оlishади.

Буқри одам қаерда?

Италияликлар учун янги йил кунини биринчи бўлиб учратиш муҳим аҳамиятга эга. Агар ўша киши руҳоний бўлса — ёмонлик аломати. Болаларни қуриш ҳам унчалик яхши эмас. Биринчи бўлиб учратганингиз гўзал киз бўлса, нур устига нур. Борди-ю йўлингиздан буқри одам чиқиб қолса, янада кўпроқ қувонаверинг. Бу янги йилда боийлик сиз томон оқиб келишидан далолат.

Чебурашка ичидаги «бахт»

Румин бекалари вараки «чебурашка»ларни асосан янги йил кунини тайёрлаб, ичига танга, узук, конфет солади. Дастурхон атрофидагилардан кимдир варакига солинган нарсанинг номини айтиб сўнг «чебурашка»ни тишласа ва айтгани тўри чиқса, янги йилда энг бахтли инсон бўлар экан!

Меҳмон тош думалатса...

Янги йил кириб келгач, хонадондаги

эшик охида чертилади. Мезбон ўрнидан кўзгалади, эшикни очиши билан остонада турган меҳмон кўлидаги тошни ичкарига думалатади. «Янги йилда сизларнинг бойлигингиз шу тошдай оғир бўлсин», — дейди у. Мана шу сўзларни эшитган ҳар бир грек чиндан ҳам тезда боийб кетадигандек оғзи қўлоғига етади.

Осойишталик маконига сайр



Дехқончилик ишлари тугаб, дам олишга киришладиган январ ойини вьетнамликлар «тет» деб атайдилар. Байрам кунлари улар дунёдан ўтган қариндошлари ва ота-боболарини зиёрат қилиш учун қабристонга боришади. Янги йилнинг илк кунларидаёқ шаҳар ичидаги қабристонлар гажам бўлади.

Тезроқ стулдан сакра!

Соат ўн иккига бонг урганда стуллар устига чиқиб пастга сакраш немисларда эски одат саналади. Бу билан улар гўё эски йилдан янгисига сакраб ўтишаркан!

Кўрқитувчи қарсилдоқлар

Байрам кечаси Хитойдаги барча кўча ва хиёбонлар турли рангдаги чироқлар билан ёритилади. Атроф кундузидек чарогон бўлади. Бироқ йуловчилар маъза

қилиб сайр қилолмайдилар. Чунки уларни қарсилдоқ билан кўрқитувчилар ҳар қадамда учрайди. Гарчи бу янги йил ҳазили ҳисоблана-да, йуловчилар кўчаларда атрофига қараб, эҳтиёткорона қадам ташлашга мажбур...

Кўнгироқ чал, гуноҳлар кечирилади!

Ибодатхоналарда кўнгироқлар нақ 108 марта жангиланди. Ҳар бир жангини японлар ширин хавотир билан тинглаб туради. Гўё ҳар битта садо тингловчинини эски йилдаги гуноҳлардан поклагандек. Шунинг учун японлар янги йил арафасида ҳамма ишини йиғиштириб, кўнгироқ садоларини эшитиш учун жам бўлишади.

Узумхўрлик

Йил алмашинаётганда узумхўрлик қилишни испанлар жуда хуш кўради. Улар бир соат ичида ўн икки бош узумни паққос туширади. Ўн икки бош узум — ўн икки ой. «Шарбатга тўлиб пишган узум — роҳатихон, демек ўн икки ойда ҳам роҳатда яшайлик», — дейишади улар. Шу кунни қаҳвахона ва ресторонларда узумнинг барча нави дастурхонга тортилади.

Гулчехра ЖАМИЛОВА тайёрлади



■ Дикқат, танлов!

«Наврўз — боқий байрам»

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Халқаро «Наврўз» хайрия жамғармаси билан ҳамкорликда халқимизга хос бўлган меҳр-оқибат, қадр-қиммат, хайр-саховат каби фазилатларни, шунингдек, бағрикенглик, ҳамжихатлик, аҳиллик, ўзаро ҳурмат сингари миллий қадриятларимизни фуқаролар, айниқса, ёшлар онгун шуринга чуқурроқ сингаришда ОАВнинг ролини кучайтириш, журналистларнинг фоллигини ошириш ҳамда уларда янги ижодий ёндашувларни шакллантиришнинг раёбатлигини мақсадида «Наврўз — боқий байрам» танловини эълон қилади.

Янгилашиш ва яшарлиш фасли, умумхалқ байрами — Наврўзга бағишлаб ўтказилган бу танловга 2008 йилнинг 20 февралидан 2009 йилнинг 20 февралигача — бир йил мобайнида телевидение орқали кўрсатилган, радиода эфирга узатилган, газета ва журналларда босилган ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган материаллар 2009 йилнинг 1 мартига қабул қилинади.

«Наврўз — боқий байрам» танлови куйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:
• телевидение бўйича энг яхши журналистик иш учун;
• радио бўйича энг яхши журналистик иш учун;
• даврий матбуот бўйича энг яхши журналистик иш учун;
• Интернет нашрлар бўйича энг яхши журналистик иш учун.
Ҳар бир номинация бўйича учта: 1-, 2-, 3-ўрин таъсис қилинади.


Нади. Ғолиблар олган ўринларига қараб қиймати турлича бўлган ноутбуклар билан мукофотланадилар.
Булардан ташқари мавзунини энг яхши ёритган ОАВ тахририятлар учун ҳам учта: 1-, 2-, 3-ўрин учун мукофотлар таъсис этилади. Ғолиб тахририятлар олган ўринларига қараб, қиймати турлича бўлган компьютер тўпланмалари билан мукофотланади.
Танловга қамда 5 та ижодий иш тақдим этилиши лозим.
Танловга юборилган материалларга муаллиф ва унинг ижодий фаолияти ҳақида қисқача маълумот, иш ва яшаш манзили, телефонлари ва паспорт маълумотлари илова қилиниши керак.
Танлов ғолиблари Наврўз байрами арафасида тақдирланадилар ва уларнинг номлари матбуотда эълон қилинади.
Материаллар «Наврўз — боқий байрам» деб кўрсатилган ҳолда 2009 йил 1 мартга қуйидаги манзилга юборилиши лозим:

100129, Тошкент ш., Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават 30-, 35- ва 37-хоналар. Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси
Тел.: 244-64-61, 244-64-62, 244-37-87



Рассом: Хусан СОДИКОВ

«Мен — ёшлиқман» танловига



Отажон

Мен — ниҳол, сиз боғбон, отажон, Еллар қаддим буюмқ бўлган он, Тугасиз кўксингиз шу замон, Сиз ёнимда турганда шодман, Борлигингизга шукр, отажон.

Сиз бўлсангиз ҳаёт боғимда Адлман, ҳеч бошим ағилмас, Тоглардек турсангиз ёнимда Қаддим ҳеч андуҳдан буюкмас, Борлигингизга шукр, отажон.

Ташвишлар безовта қилганда, Куонасиз дардим бўлганда, Бахт қуши бошимга қўлганда, Суонасиз омад қўлганда, Борлигингизга шукр, отажон.

Азизбек НОРОВ Қарши шаҳри

Глобаллашув жараёнида ғоявий хуруж ва ахборот таъжовуздан хийолавланиш раҳбардан юксак билим ва салоҳият талаб этади. Ҳар бир раҳбар дунёда ва жамиятимизда рўй бераётган жараёнларнинг теран аниқлиги олиши, ҳар қандай мураккаб вазиятда ҳам пухта қарор қабул қила олиши лозим. Ўзбекистон Президенти ҳузуринда Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиларининг тафаккурини шаклландириш мақсадида анъанавий «Тафаккур синови» ташкил этилган эди.

Ушбу ҳафтада анъанага кўра академиянинг «Жамият қурилиши, миллий ғоя ва миллий манфаатлар» кафедраси томонидан тингловчилар ўртасида «Тараққиётга таҳдид ва раҳбар масъулияти» курси бўйича беллашув бўлиб ўтди. Маъқур баҳсда академиянинг ўрта факультети тингловчиларининг назарий билимлари, ижтимоий ва халқаро жараёнлардан олинган мисоллар орқали вазиятни таҳлил қилиши, хулосаларни қисқа ва тасвирчан ифода этиши ҳамда, энг муҳими, муаммонинг оқилона ечимини топиши ва уни амалиётга татбиқ этиш механизмини тақлиф этиш борасидаги қobiliяти аниқланди.
Давлатлараро муносабатлар ва ташқи иқтисодий алоқалар факультетининг «Зиёкор», Бозор иқтисо-

доктори, профессор, Давлат ва жамият қурилиши академияси ректори Қиёмиддин Назаров. — Инсон тугилибдики, синовлар ичида яшайди. У ота-онаси, халқи, қасби, фарзандлари, ватани олдида ҳамма сивовда бўлади. Бугун одиллик билан баҳолашди деб чорлаганимиз ҳакамлар хайъати олдида эмас, бал-

Сарҳисоб



Республикаимиздаги етакчи спорт нашрларидан «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари тахририяти ҳар йили шу соҳада ижод қиладиган оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида йилнинг энг яхши спортчи ва мураббийларини аниқлаш учун сўронома ўтказилади. Бу йилги сўронома якуналарига кўра дзюдо бўйича Пекин-2008 олимпиадаси кумуш медали совриндори, кураш бўйича Амир Темур халқаро турнири ғолиби Абдулла Тангриев энг кўп овоз тўплади ва «Йилнинг энг яхши спортчиси» деб топилди.

Соҳа журналистлари футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасини «Йилнинг энг яхши спорт жамоаси», жамоа устози Аҳмад Убайдуллаевни «Йилнинг энг яхши мураббийи» деб топди.

Биз йил қаҳромонларини ушбу номинациялар ғолиблиги билан қутлаб, уларнинг дил сўзларини ёзиб олдик.
— 2008 йил мен учун жуда масъулиятли бўлди, — деди Абдулла Тангриев. — Дзюдо бўйича Японияда ўтган жаҳон чемпиони, Пекин олимпиадасида эришган ғалабаларим мен учун жуда қадрли. Бу зафарлар юртимизда спортга берил-

Ғолиблар шарафланди



ётган катта эътибор, юртбошимизнинг бизга кўрсатаётган ғамхўрлиги самарасидир.
Қолаверса, миллий курашимизнинг ҳам ривожини қувонтиради. Шаҳрисабзда соҳибқирон Амир Темур хотирасига бағишланган турнирда хориж давлатларидан келган курашчиларнинг қатнашганлиги буни исботлади. Уларнинг маҳорати анча ўсганини кўрдик.

— Абдулла, янги йил байрами яқин. Байрамни қандай нишонлайсиз ва тилақларингиз? — Янги йилни ҳар йили оиламиз даврасида қутиб оламиз. Мен фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимни янги 2009 йил билан табриклайман. Уларга тинчлик ва соғлик, бахт-саодат тилайман.

Янги йилда ҳам дзюдо бўйича кўпгина турнирлар, Осиё ва жаҳон чемпиони бўлади. Уларда ҳам галабаларим билан ўзбекистонлик муҳлисларни хурсанд этишга ҳаракат қиламан.

Дилёр Эрматов, футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ҳимоячиси:

— Якунланаётган йил жамоамиз учун омадли келди. Саудия Арабистонида ўтган Осиё чемпионатида кумуш медални қўлга киритдик. Аслида финалда олтин медал учун курашгандик, ammo бироз омад ва тажриба етишмади. Жамоа аъзоларининг кайфияти юқори. Январ ойининг бошида Каттардаги халқаро турнирда қатнашиш учун жўнаб кетамиз. Мисрда бўладиган жаҳон чемпионатида яхши тайёрланиш ва билдирилган ишонччи оқлаш ниятидамыз.

Аҳмад Убайдуллаев, 2008 йилнинг энг яхши мураббийи:

— Пойтахтда ўтган йилнинг асосан футболчиларнинг жисмоний тайёрларлигига эътибор қаратдик. «Локомотив» ва «Нассаф» жамоалари билан ўртоқлик учрашувлари ўтказдик.
Энди 4 январда навбатдаги йилнинг тўпланамиз ва 7 январ кунини Каттарга учиб кетамиз.

— Мисрдаги жаҳон чемпионатида иштирок этадиган рақибларни ўрганиш ишлари ҳақида ҳам тўхталсангиз. — Жаҳон чемпионатида кураш ташлашиб, рақиблар номи маълум бўлиши билан уларни ўрганишга киришамиз. Улар иштирок этадиган турнирларни мутахассисларимиз кузатиб боради.

— Сиз бир суҳбатингизда «шоғирдларимнинг фикр-лаш доираси кенгайиши учун уларни бўш вақтида китоб ўқишга қақираман» дегандингиз. Бу қарашингиз ўзини оқлади. Ёшларимиз Осиё чемпионатида мазмунли ўйин кўрсатди. Айтинг-чи, китоблар борасидаги назоратни хали ҳам давом эттиряяспизми? — Албатта, шахсан ўзим уларга китоб олиб бераман. Барча номинация ғолиблари, шунингдек, Пекин олимпиадасида бронза медалларига эришган Екатерина Хилко ҳамда Ришод Собировга ҳам «Спорт» ва «Ўзбекистон футбол» газеталари тахририяти таъсис этган диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

Ақмал АБДИЕВ, «Ishonch» муҳбири



Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси кенгаши қошидаги Курортлар бошқармаси жамоаси бошқарманинг бўлим мудир У. Исаввага онаси

ВАСИМА аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тафраккур синови

бўлажак раҳбарни тоблайти

диёт асослари ва тамойиллари факультетининг «Равнак», Давлат ва жамият қурилиши факультетининг «Адолат» гуруҳлари олтига шарт бўйича ғолиблик учун курашиши.
— Бугунги «Тафаккур синови» фақатгина саҳнадагиларнинг эмас, ҳаммаимизнинг синовимиздир, — дея таъкидлади фалсафа фанлари ки виждонимиз олдида синовда турибмиз. Ғолиблик шоҳсупасига қайси гуруҳ кўтарилишидан қатъи назар, биз бир жамоа эканлигимизни унутмайлик.
Устозлар берган билимларни муаммоли вазиятларда раҳбарга хос тарзда қўллаш, турли таҳдидларга қарши маънавий қуролланиш чора-

ларини намойн этган тингловчилар йиғилганларга яна бир кирраларини ҳам кўрсата олдилар. Улардаги санъатга иштиёқ, ўзига хос иқтидор барчани бирдек мафтун этди. «Равнак» гуруҳи аъзоси қуйлаган «Лазгиндан бутун зал оёққа қалқди. Турли саҳна кўринишларидаги қаҳрамонларнинг тақдирини кимнингдир худди урта фарзандим тенг мусобақалашаётгандек бўлди. Энг муҳими, кўпчиликнинг баҳоси. Бугунги баҳоларга қараб, меҳнатим зое кетмабди, деган фикрга келдим. Тингловчилар келажақда раҳбарлик лавозимларида ишлаётганда назарий билимларини ҳаётга татбиқ эта оладилар ва эл ишончига сазовор бўлишади, деб ўйлайман.

Тараққиётнинг муҳим омилларидан бири сифатида ишнинг яхши ташкиллаштири оладиган етакчи кўрсатилади. Академияда мана шундай кадрлар камол топмоқда. Юртбошимиз мазкур муассасанинг очилиш маросимидида нутқиди «Академия раҳбар кадрлар тайёрланадиган билим даргоҳида эмас, у янги тафаккур шаклланадиган, ўзимиз тўпланган ва бошқа мамлакатларда тўпланган илғор тажрибалар ўзлаштирилиб, ўрганилиб, таҳлил қилинадиган ва таҳсил бериладиган марказ бўлиб қолиши керак», дея таъкидлаган эди. Таъдбир жараёнида интилувчан, билимли, мулоҳазали тингловчиларни кузатарканмиз, кўзланган мақсад рўёбга қаиқатганини ҳис қилдик.
Дилдора МИРЗАКАРИМ қизи

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ

Muassis:

Ўзбекистон касаб ва уюшмалари Федерацияси

Bosh muharrir:

Abdusolliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Alla DOLJENKOVA, Anvar YUNUSOV, Dovud MADIYEV (Bosh muharrir o'rinbosari), Jahongir SHAROFBOYEV (Mas'ul kotib), Ma'mura ADILOVA, Mirzohid SODIQOV, Normamat ALLAYOROV, Nosirxon AKBAROV, Oysuluv NAFASOVA, Pirmuqol QODIROV, Sog'indiq NIYETULLAYEV, Shamsi ESONBOYEV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-87-73

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-03-90

Manzilibiz:

100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy

E-mail: ishonch-doverie@mail.ru

Nashr ko'rsatkichi: 133; 134

Navbatchi muharrir:

N.Rafiqov Navbatchi:

A. Abdullayev Musahhh:

N.Mahamov

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchilar: H.Abdujalilov va Y.Mixayilovskiy

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshqarasida chop etildi. Korxonaning manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Ўзбекистон Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta oset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma tabaq.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Muallif fikri ta'hiriyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Tijorat materiallari

Bosniqta topshirish vaqti - 21.00. Topshirildi - 23.10

Buyurtma Γ — 1114

10129 nusxada bosildi

2 5 6